



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№1

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғойбназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

<b>Ғолиб Султонмуродович Мустафоев</b> Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш	80
<b>Marifat Umarovna Xudoyberdiyeva</b> Xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ahamiyati	85
<b>Askar Axrorovich Siddikov, Ahmadbek Nizomiddinovich Najmiddinov</b> Xizmat ko‘rsatish korxonalarida innovatsion faoliyatni takomillashtirish yo‘nalishlari	87
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Muslimaxon Xolmatjon qizi Soxibova</b> O‘zbekistonda ziyorat turizmi resurslarini samarali boshqarishning nazariy asoslari	90
<b>Murodjon Rajabbayevich Matniyozov</b> Methodological bases of formation of tourism image of the Khiva destination	96
<b>Kamol Sharifovich Yuldashev</b> Mustaqil turizm rivojlanishining evolyutsiyasi	100
<b>Ўткир Дўснаевич Ражабов</b> Ўзбекистонда диний туризм ривожланишининг салоҳияти ва истиқболлари	106
<b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	
<b>Gulnora Mardiyevna Shadiyeva Ra‘no Akbar qizi Qulmurodova</b> Raqamli iqtisodiyot sharoitida kichik biznes va oilaviy tadbirkorlik – aholi turmush darajasini oshirishning bir omili sifatida	110
<b>Saodat Toxirovna Toshaliyeva</b> Mamlakatimizda kichik tadbirkorlik faoliyatini tashkil etish holati tahlili	114
<b>Имомназар Эгамбердиевич Турсунов, Кермен Антоновна Наминова, Тулкин Саидахмедович Шарипов</b> Развитие малого и среднего бизнеса в условиях цифровой экономики	118
<b>Гулнора Мардиевна Шодиева, Дилноза Азаматовна Тоғаева</b> Хизматлар кўрсатиш соҳасида оилавий корхоналарни ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	123
<b>Layli Baxtiyorovna Navruz-zoda</b> Inson tadbirkorlik qobiliyatini baholash maqsadida uning sifat xususiyatlarini tasniflash	130
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Navruzbek Zarifovich Niyatov</b> Xizmat ko‘rsatish sohasida boshqaruv samaradorligini oshirish	134
<b>Shahlo Akramovna Maripova</b> Modern digital tools in small business management	138
<b>Bekzodjon Oblakulov, Shakhnoza Narkulova</b> Marketing Analysis of International Brand in the Case of Borjomi	143
<b>Абдухолик Эгамович Тангиров</b> Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона бошқаруви ва уни ташкил этишининг моҳияти	147
<b>Зулфия Мусаевна Усманова</b> Перспективные направления совершенствования механизма управления персоналом	151
<b>ИНВЕСТИЦИЯ</b>	
<b>Jahongir Ravshanbek o‘g‘li Hoshimov</b> Yangi O‘zbekistonga xorijiy investitsiyalarni jalb etish holatining kompleks tahlili	155

<p style="text-align: center;"><b>В.Obloqulov, Sh.Narqulova</b> <b>Borjomi misolida xalqaro brendning marketing tahlili</b></p> <p><b>Аннотация:</b> ushbu maqolada BCG (Boston Consulting Group) matritsasi, SWOT va STP tahlili asosida “Borjomi” kompaniyasi misol sifatida olinib, ushbu xalqaro kompaniyaning joriy tendensiyalari, shuningdek kompaniyaning keyingi takomillashtirish bo‘yicha tavsiyalari tahlil qilindi. Shuningdek, kompaniyaning biznes va marketing tahlillari haqida umumiy ma'lumot beriladi.</p> <p><b>Kalit so‘zlar:</b> SWOT, BCG matritsasi, segmentatsiya, maqsadlilik, joylashishni aniqlash, ijtimoiy tarmoqlar, konsentrlangan va tabaqalashtirilgan marketing, marketing strategiyasi.</p>	<p style="text-align: center;"><b>Б.Облакулов, Ш.Наркулова</b> <b>Маркетинговый анализ международного бренда на примере Боржоми</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в этой статье анализируются текущие тенденции международной компании на примере Боржоми, такие как матрица BCG (Boston Consulting Group), SWOT-анализ и STP-анализ, а также рекомендации компании по дальнейшим улучшениям. Это также дает общее представление о бизнес- и маркетинговых отчетах этой компании.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> SWOT, матрица BCG, сегментация, таргетинг, позиционирование, социальные сети, концентрированный и дифференцированный маркетинг, маркетинговая стратегия.</p>
--	---

**Абдухолик Эгамович Тангиров** – СамИСИ доценти, и.ф.н.

### **ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КОРХОНА БОШҚАРУВИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МОҲИЯТИ**

<p><b>Аннотация:</b> мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарни бошқаришда макро ва микроиқтисодий муҳит таъсири, ходимларга таъсир кўсатувчи омиллар, замонавий корхонани ташкил этиш тамойиллари, модернизациялашда корхоналарни ташкил этишнинг асосий йўналишлари, корхона тушунчаси моҳияти каби муҳим масалалар ўрганилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> иқтисодиёт, модернизация, корхона, ички ва ташқи муҳит, бошқариш, омил, маблағ.</p>
---

**Кириш.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона бошқаруви ва уни ташкил этиш масалалари эркинлаштирилган иқтисодий тизим негизида амалга оширилади. Корхона – бу бозор иқтисодиёти таркибидаги асосий бўғин, колаверса, бозор субъектларидан бири бўлиб, ўз фаолиятини муайян бошқарув асосида ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти тизимида корхона бошқаруви ва уни ташкил этишда бозор механизмга асосланиши лозим. Бозор механизми эса янгилик қилишга мойиллиги бор иқтисодий тизимдан иборат.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ўрганилган адабиётларда корхона бошқарувни ташкил этиш, стратегияни танлаш ва менежментини ривожлантириш, инвестицион фаолиятни бошқариш, бозор ислохотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона бошқарув жараёнларини илмий-назарий асосларини яратиш, корхонани бошқаришни ташкил этишнинг илмий методологик жиҳатлари ҳамда корхона бошқарувини ташкил этишни такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган[1,2,3,4,5].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, қиёсий таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Корхоналар бошқарувини ташкил этиш фақат ишлаб чиқариш омилларинигина бирлаштириш эмас балки, бу омиллардан фойдаланишни ташкил этишни ҳам талаб қилади<sup>1</sup>. Энг муҳими модернизацион жараёнларда ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишда сифат даражаларига жиддий эътибор берилади. Чунки бозор ислохотлари тобора чуқурлашиб борган сари барча соҳада сифат кўрсаткичлари муҳим рол ўйнайди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, сифат менежменти соҳасида бошқаришни ташкил этиш янгича ёндашувларни тақозо этади.


<sup>1</sup> Хорнби У., Гэмми Б., Уолл С. Экономика для менеджеров: Учебник. Пер. с англ. –М.: ЮНИТИ, .2019.110 стр.

Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида корхоналарни бошқаришда макро ва микроиқтисодий муҳит таъсирини инкор этиб бўлмайди.

Корхонанинг ички муҳитини бошқаришда икки жиҳатга эътибор қаратиш лозим:

1. Ишчи-ходимларни бошқариш.
2. Техника ва технологияларни бошқариш.

Корхонанинг ички муҳити – бу одамлар, ишлаб чиқариш воситалари, ахборот, маблағларнинг ўзаро таъсиридан иборат муҳит бўлиб, охир-оқибатда тайёр маҳсулот яратилади. (ишлар бажарилади, хизматлар кўрсатилади). Бундай муҳит 1-чизмада келтирилган.



**1-чизма. Саноат корхонаси ички муҳити<sup>1</sup>**

Шу тарзда модернизация шароитида корхона ўз фаолиятини мустақил ташкил этади, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширади. Корхона бошқаруви натижасида ходимларни иш билан банд этиш имкониятлари яратилади ёки кенгайтирилади.

Ишлаб чиқариш тузилмасидаги бошқарувни ташкил этиш кўпроқ қуйи поғонадаги менежерларнинг фаолияти ҳисобланиб, улар ўрта поғонадаги менежерлар иштирокида ўз вазифаларини белгилаб оладилар. Корхона бошқарувини ташкил этишда ходимларга таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг тавсифи 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Корхона бошқарувини ташкил этишда ходимларга таъсир кўрсатувчи омиллар ва моҳияти<sup>2</sup>**

Ходимларга таъсир кўрсатувчи омиллар	Омил тавсифи
<b>Корхонанинг иерархик структураси</b>	Унга асосий таъсир кўрсатувчи восита-ҳукумат, бўйсинувчи муносабатлар - кишига юқоридан мажбурлаш ёрдамида таъсир кўрсатиш, моддий қимматларни тақсимлаш бўйича назорат.
<b>Маданият</b>	Корхона, жамият, кишилар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган, шахс фаолиятини тартибга келтирувчи, индивидни фақат шундай, бошқача бўлиши мумкин эмас қилиб фаолият кўрсатишига мажбурловчи ижтимоий нормалар, тартиб, интизом ва қоидалар мажмуасидир.
<b>Меҳнатни ташкил этиш тузилмаси</b>	Корхоналарнинг характери ва ўлчамлари, ишлаб чиқараётган маҳсулотининг хусусиятлари билан белгиланади. Кичик ва ўрта корхоналарда ходимларни бошқаришнинг кўп масалалари чизиқли раҳбарлар томонидан амалга оширилади. Йирик корхоналарда эса, вазифаларни амалга ошириш бўйича алоҳида тузилмавий бўлинмалар тузилади.

<sup>1</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

<sup>2</sup> Жадвал адабиётларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Шунинг учун ҳам корхоналарда бошқарувни ташкил этишдаги функционал алоқалар ўрнатилиб, бу алоқалар ҳам вертикал, ҳам горизонтал равишда амалга оширилади. Бундай алоқалар ишлаб чиқариш жараёнларини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилиш тарзидаги алоқалардир.

Корхонанинг ташқи муҳитини бошқаришда асосий эътибор бозор инфратузилмалари билан бўлган алоқаларни кучайтиришга ва ҳамкорлар билан ўзаро алоқалар олиб боришга қаратилади. Бунда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан кейин ҳосил бўлган фойдани бошқариш мақсадидаги хатти-ҳаракатлар ҳам амалга ошириб борилади(2-чизма). Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиёти тизимида ва айниқса, унинг модернизациялаш шароитида, корхона бошқарувини ташкил этишда жуда кўп унсурларни ҳисобга олиш керак.

Корхоналар бошқарувини замонавий тарзда ташкил этишда бугунги кунда қуйидаги тамойилларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир: новаторлик янги ғояларни излаш ва ечимини қидириш; бозор инфратузилмалари билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; таваккалчиликни вақтида қўллаш олиш; ҳамкорлар билан ишлашда бизнес этикасига риоя қилиш.

Бу тамойиллар модернизациялаш шароитларида корхона бошқарувини ташкил этиш имкониятларини янада кенгайтиради. Айниқса йирик корхоналарда модернизация жараёнлари мураккаб тизимдан иборат бўлади. Чунки технологик таркибини замонавийлаштириш учун катта маблағ талаб этилади. Ўз навбатида агар бу иш тўла-тўқис амалга оширилса, меҳнат тақсимотида катта имкониятларга эга бўлиш мумкин<sup>1</sup>.



2-чизма. Акциядорлик жамиятининг ташқи муҳити<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>2</sup> Хорнби У., Гэмми Б., Уолл С. Экономика для менеджеров: Учеб.пособие для вузов. Пер. с англ. под ред. А.М.Никитина. –М.: ЮНИТИ, 2019. 228 стр.

Корхона – бу ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва фойда олиш мақсадида, тадбиркор ёки тадбиркорлар бирлашмаси томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун яратган мустақил хўжалик юритувчи субъект.

Замонавий корхона бошқарувидаги муҳим сифат – вазият ўзгаришига мослашувчанлик билан чора кўриш қобилиятига эга бўлишликдир. Бунинг учун танланган фаолият доирасида салоҳиятли бўлиш, мақсад сари интилиш, тиришқоқлик, муваффақиятсизликка тайёр туриш, ўз хатоларидан сабоқ олиш каби хислатларга эга бўлиш ҳам жуда муҳимдир.

Корхона бошқарувини ташкил этиш ва унинг фаолиятини олиб боришда ишончли сафдош ва мақбул шерикларни танлаб олиш керак. Рақобат курашида иштирок этиш ва устуворликка эга бўлиш самарали ташкилотчилик натижасидир. Бошқарувдаги асосий жиҳатлардан яна бири – маркетингни аниқ ташкил этишдир.

Рақобат шароитида менежерлар ёки маркетингларнинг берадиган маслаҳатлари, жумладан, бозор талаби, маҳсулот ҳаракати, маҳсулотни сотилиши, нарх-наво, масофа, ишлаб чиқариш омиллари тўғрисида берилган маслаҳатлар корхоналар учун жуда зарур ҳисобланади.

Модернизацияни қўллайдиган замонавий корхона – мураккаб ташкилий тузилма ҳисобланади. “Шунинг учун унинг ички муҳитини шаклландирилган мақсадларга боғлиқ ҳолда ўзаро бир-бирига таъсир этувчи тузилмаларга ажратиш мумкин”.<sup>1</sup> Иқтисодийни модернизациялаш мақсад корхоналарда муносиб техник-технологик тизим яратишдир.

Бу ишлаб чиқариш жиҳозлари ва технологиянинг ишончли ва самарали ишлаб туриши, ходимларнинг ўзаро техник-ташкилий алоқаларини тартибга солишдир.

Модернизациялаш шароитидаги ишлаб чиқаришни илмий ташкил этиш ўз навбатида инновацияни қўлланилишига олиб келади. Инновацион жараёнлар иқтисодийни модернизациялашнинг таркибий қисми бўлиб, улар асосида ишлаб чиқаришдаги янгича ёндашувлар ўзлаштирилади. Бу эса ўз - ўзида ишлаб чиқариш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади.

Меҳнатни илмий ташкил этишнинг (МИТЭ) вазифаси – хизматчилар жамоасида соғлом расмий муносабатларни барпо қилишдир. У юқори маҳсулдорликка самарали ва ижодий меҳнат учун шароит яратиш бўйича ўлчовлар тизимини ўз ичига олади.

Моддий ишлаб чиқариш жонли меҳнат билан биргаликда меҳнат предметлари ва меҳнат воситаларини талаб қилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг ушбу учта қисмларининг ўзаро ҳаракатини таъминлаш ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг вазифаси бўлиб, бу вазифа маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида моддий ва шахсий элементларнинг бирлашув тизими тушунилади.

Меҳнатни илмий ташкил этиш концепциясининг асосига, ҳозирги замонда ходим шахсиятининг, ўрнининг ошиши, унинг ўз вазифаларни билиши, уларни шакллантириш ва корхона олдидаги мақсадларга мувофиқ йўналтириш қобилияти киради.

Бошқарувни илмий ташкил этиш (БИТЭ) – корхонанинг моддий ва инсоний тизилмасига мақсадга интилма таъсирини таъминловчи техник, иқтисодий ва ижобий воситалар тизимидир. У уларнинг юқори маънавий–технологик ва иқтисодий самарага эришиш мақсадидаги ўзаро таъсирини кўмаклашади.

**Хулоса ва таклифлар.** Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарни бошқаришда макро ва микроиқтисодий муҳит таъсирини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Корхона бошқарувини ташкил этишда ходимларга таъсир кўсатувчи омилларни яъни корхонанинг иерархик структураси, маданият ва меҳнатни ташкил этиш тузилмаси ҳисобга олиш лозим.

Корхоналар бошқарувини замонавий тарзда ташкил этишда:

- новаторлик янги ғояларни излаш ва ечимини кидириш;
- бозор инфратузилмалари билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- таваккалчиликни вақтида қўллаб олиш;

<sup>1</sup> Титов В.И. Экономика предприятия. Учебник. □М.: Эксмо, 2017 216 с.

– ҳамкорлар билан ишлашда бизнес этикасига риоя қилишни тавсия этамиз.  
 – Корхона – бу ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва фойда олиш мақсадида, тадбиркор ёки тадбиркорлар бирлашмаси томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш учун яратган мустақил хўжалик юритувчи субъект, деб таъриф берилиши мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқаришни илмий ташкил этиш, меҳнатни илмий ташкил этиш, бошқарувни илмий ташкил этиш корхоналарни ташкил этиш ва бошқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишлари деб ҳисоблаш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Азларова Д.А. Ёғ-мой саноати корхоналарида персонални бошқаришни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2020, 576.
2. Суюнов Д., Хошимов Э. А. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самардорлигини баҳолашнинг методологик жиҳатлари “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил 2/2018 (№ 00034) [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
3. Tangirov A. E. Factors to increase competitiveness of desert pasture livestock British View ISSN 2041-3963 Volume 7 Issue 1 2022 DOI 10.5281/zenodo.6777984 Universal impact factor 8.528 SJIF 2022: 4.629. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6766959>
4. Титов В.И. Экономика предприятия. Учебник. М.: Эксмо, 2017 216 с.
5. Хорнби У., Гэмми Б., Уолл С. Экономика для менеджеров: Учебник. Пер. с англ. –М.: ЮНИТИ, .2019.110 стр.

<p><b>А.Тангиров</b></p> <p><b>Сущность управления предприятием и его организация в условиях модернизации экономики</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье рассматриваются такие важные вопросы, как влияние макро- и микроэкономической среды на управление предприятиями в условиях модернизации экономики, факторы, влияющие на сотрудников, принципы организации современного предприятия, основные направления организации предприятия в стадии модернизации, сущность понятия предприятия.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> экономика, модернизация, предприятие, внутренняя и внешняя среда, управление, фактор, средства.</p>	<p><b>A.Tangirov</b></p> <p><b>The essence of enterprise management and its organization in the conditions of economic modernization</b></p> <p><b>Abstract:</b> the article examines important issues such as the influence of the macro and microeconomic environment on the management of enterprises in the context of modernization of the economy, factors affecting employees, the principles of organizing a modern enterprise, the main directions of the organization of enterprises in modernization stage, the essence of the concept of an enterprise.</p> <p><b>Keywords:</b> economy, modernization, enterprise, internal and external environment, management, factor, funds.</p>
---	---

Зулфия Мусаевна Усманова – Ферганский политехнический институт, старший преподаватель кафедры «Экономика»

**ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМА УПРАВЛЕНИЯ ПЕРСОНАЛОМ**

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются вопросы использования передовых методик в целях совершенствования механизма управления персоналом в организациях и на предприятиях. В ходе исследования приведены рекомендации по эффективному управлению персоналом.

**Ключевые слова:** персонал, предприятие, организация, механизм управления, управление, стимулирование персонала, мотивация, человеческий потенциал, кадровая политика, передовые методики.

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

06.03.2024 йилда теришга берилди. 29.03.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0024А/30.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.